Ушбу сонда: 2 АЁЛЛАРГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР | 3 TV - ДАСТУРИ | 4 ТУРОНЗАМИН ДАРҒАЛАРИ


# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 2 сентябр, шанба №130 (962)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

### М.И.Ўтагановни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Маҳмуджон Иноятович Ўтаганов Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси этиб тайинлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари - чегара қўшинлари Бош штабининг бошлиғи вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 31 август

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

### Ғ.Қ.Тишаевни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Ғафуржон Қодирович Тишаев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 31 август

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари,

1 сентябр - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизни ва халқингизни самимий муборакбод этаман.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришган кундан бошлаб салкам ўн йил мобайнида босиб ўтган йўл машаққатли ва диққатга сазовордир.

Германия аввал бошданоқ бу йўлда Сизнинг йўлдошингиз бўлди. Шу вақт ичида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар муттасил ривожланиб, тобора чуқурлашиб борди. Биз Ўзбекистонни муҳим шерик ва Марказий Осиё минтақасида барқарорлик гарови, деб биламиз.

Сизга ва бутун ўзбек халқига бундан буён ҳам ҳаётнинг барча соҳаларида тинч ва хайрли тараққиётга эришишни тилайман.

Эҳтиром ила,

**Йоханнес РАУ,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва барча ватандошларингизга ўзимнинг самимий қутловларимни, шунингдек, Ўзбекистоннинг бутун халқига бахтли истиқбол ва равнақ тилаб билдирган истакларимни йўллайман.

**Альберт,**
**Бельгияликлар Қироли**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Греция халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг ғоят қизғин қутловларимни йўлламоқчиман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, шахсан Сизга бахт-саодат, шунингдек, Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни изҳор этаман.

**Константинос СТЕФАНОПУЛОС,**
**Греция Республикаси Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Мустақиллик куни муносабати билан Корея Республикаси Ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон Республикаси халқига ўз қутловларимни изҳор этмоқчиман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатлар бундан буён ҳам мустаҳкамланиб бораверишига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, Сизга сиҳат-саломатлик ва буюк мамлакатингизга равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Ким ДЭ ЖУНГ,**
**Корея Республикаси Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги нишонланиши муносабати билан энг илиқ табрикларимиз ва эзгу-тилакларимизни йўлламоқчиман.

Жаноби Олийлари, Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва халқига эса фаровонлик ҳамда равнақ тилайман.

**Султон Салаҳуддин АБДУЛ АЗИЗ ШОҲ,**
**Малайзия Подшоҳи**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва ватандошларингизга ўзимнинг самимий қутловларимни йўллайман.

Барча халқларнинг ҳамкорлиги ва бирдамлиги самараси ўлароқ, фуқароларнинг бирликдаги саъй-ҳаракатлари тинчлик, равнақ ва ялпи бахт-саодатга эришишга кўмаклашишни Парвардигордан илтижо қиламан.

Сиз, Жаноби Олийларини, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва халқини Яратганнинг ўзи муборакбод қилсин.

**Иоанн Павел II**

## ШУКУҲ

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**
**халқ шоири.**

***Истиқлолимиз байрами — халқимиз учун энг улуғ, энг азиз байрамдир. У бамисоли йиллаб кутилган фарзандга ўхшайдики, ундан ифтихор қиламиз, ҳам кўз қорачиғидек асраймиз.***

*Ўзбекистон байроғи кўтарилди чинакам,*
*Ушбу кунни айтингчи қай биримиз кутмадик?*
*Зарур бўлган чоғда гоҳ дор тагида туриб ҳам,*
*Қай биримиз тарихнинг синовидан ўтмадик.*

*Донғил сафарга чиқди энди ҳур Ўзбекистон,*
*Кимгадир оёқ ости, кимга у осмон бўлди.*
*Шукрким, ўз-ўзини таниди кекса жаҳон,*
*Яъни ўзбек давлатин жумлаи жаҳон билди.*

*Не-не камситувларни кўрган шу бошим билан,*
*Она халқим, қошингда тизза букиб турибман.*
*Ўзбекча гапирганда бир чуқим ошим билан,*
*Садақаи бахтинг деб борим тўкиб турибман.*

*Гарчи доим унгандир гулчечаклар боғимда,*
*Темур ва Навоийни эслаймиз такрор-такрор,*
*Менку узоқ яшарман, лекин кетар чоғимда,*
*Тепамда эгилажак ўз туғим — байроғим бор.*

*Насиб этмиш бу кунлар, таралсин янгроқ унлар,*
*Дўстлар билан ёнма-ён қутлайлик бу айёмни.*
*Илоё, бошимизга келмасин қаро кунлар,*
*Ўзбегим деб кўтаринг, дўстларим, олтин жомни.*

## БИЗ ЎЗБЕКМИЗ, ҲУР ЎЗБЕКИСТОНМИЗ!





***Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи барча юртдошларимизни ғоят тўлқинлантириб, уларнинг қалбларидаги фахр ҳис-туйғуларини янада жўш урдирди, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади.***

***Қуйида мамлакатимиз бош майдони — Мустақиллик майдонидаги байрам тантаналарида иштирок этган турли соҳа кишиларининг фикрлари баён этилган.***

**Азим УСМОНОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Паркент тумани:**

— Давлатимиз раҳбарининг унутилмас маросимдаги табрик сўзини бутун вужудим билан тинглаб, қалбим тоғдек кўтарилди. Чиндан ҳам биз улуғ зотлар авлодимиз. Ўзбеклар ўз тарихида ҳеч қачон, ҳеч кимга ҳасад билан қараган эмас. Яхшилик, эзгулик, яратувчилик шиоримиздир. Байрам тантаналарини кузатиб мамлакат одамлари, айниқса ёшлари Ватан, эл-юрт қувончу ташвишлари билан яшаётганликлари, эришилаётган натижалар билан ҳақли равишда фахрланаётганликларини қалбдан туйдим. Ватан озод, Мустақиллик боқийлиги ҳақидаги туйғулар дилларни чулғаганлигини ўз кўзинг билан кўриш нақадар катта бахт. Бироқ ҳаётда ҳамма нарса ўз-ўзидан қўлга киритилмайди. Мустақилликни кўз қорачиғидек асрай билиш, халқимиз хавфсизлигини ҳимоялаш муқаддас бурчимиздир. Ҳаёт мард ўғлонларимиз ҳеч қачон бизни уялтириб қўймасликларини, она юрт олдидаги бурчларини теран англаётганликларини қайта-қайта исботламоқда. Шу ўринда севимли шоиримизнинг қуйидаги сатрлари ёдимга келади.

*Ўстир Ватанингни*
*боғ каби туйғун,*
*Ишонгину уни шу*
*азиз ерга —*
*Ҳушёр бўл — беэга*
*қолдирма бир зум —*
*Фарзандингдан*
*бошқа ҳеч кимга*
*берма.*

**Санамой БАКИРОВА,**
**етакчи мутахассис,**
**Андижон тумани:**

- Пойтахт осмонини ранго-ранг мушаклар чароғон этганида кўнглим шу қадар ёришдики, вужудимни қамраган ҳис-туйғуларни ифода қилишга ожизман. Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигига, халқимиз нақадар улуғлигига, бу дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизга иймон келтирдим. Бир фуқаро сифатида яна шуни сездимки, мустақиллигимиз асосчиси, илҳомчиси бўлмиш Президент Ислом Каримов атрофида халқимиз қудратли куч бўлиб бирлашганлиги, миллатлараро дўстлик, ҳамкору ҳамжиҳатлик барчанинг ҳавасини келтирмоқда.

Телевидение орқали байрам тантаналарини берилиб томоша қиларканмиз, «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» дея куйланганда бутун оила аъзоларимиз билан жўр бўламиз. Шу азиз Ватан барчамизники. Уни шарафлаш, ҳалол меҳнатимиз билан бойлигига бойлик қўшиш умримиз мазмунидир.

Унутилмас, тантанали маросимдаги Президентимизнинг табрик сўзи, театрлаштирилган томошалар бизнинг куч-қудратимизни, ҳамкору ҳамжиҳатлигимизни кўз-кўз қилди. Унинг руҳи бепоён Ватанимизнинг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб кенг ёйилди.

**Отамирза ЭРМАТОВ,**
**ҳунарманд, Хива шаҳри:**

— Мустақиллик майдонидаги байрам тантаналарида хоразмлик санъаткорлар ҳам нимага қодир эканликларини муносиб равишда намойиш қила олишди. Ҳа, биз санъатга, яратувчиликка, ўзимиздан яхши ном қолдиришга ошуфта халқмиз. Ғуруримиз баланд, иродамиз мустаҳкам. Саҳнага Ўзбекистонимизнинг жасур, мард полвонлари, Қуролли Кучларимизнинг шавкатли вакиллари чиқиб келишганида эртанги кунимиз ишончли қўлларда, деган фикр кўнглимдан ўтди. Улар Ватанни ғанимлардан асрабавайлаш, унинг учун лозим бўлса иккиланмай жонларини беришга тайёр эканликларига ишондим. Ўзбекистон барчамизнинг онамиз. Унинг бағрида яшаш, ижод қилишнинг ўзи буюк бахтдир. Фақат ҳурматли Юртбошимиз таъкидлаганидек, лоқайдлик, бепарволик, ғофиллик иллатларидан халос бўлишимиз, доимо ҳушёр, огоҳ бўлмоғимиз даркор. Элим деб, юртим деб яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш умримиз маъно-мазмунига айланиши керак.

Мустақиллик байрами арафасида Андижон туманининг Хақон қишлоғидаги «Дархон» маҳалласида «Дархон» савдо маркази ишга туширилди. Марказнинг савдо майдони 200 квадрат метрга тенг бўлиб, унинг қурилишига 13 миллион сўм маблағ сарфланди.

### «ДАРХОН»ГА МАРҲАМАТ!

Хақон таъминот жамияти акциядорларига тўлаш учун мўлжалланган бу маблағлар, яъни дивидендлар умумий йиғилиш қарорига кўра янги савдо корхонаси қурилишига йўналтирилди. Бу ерда харидорлар озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари ва бошқа товарларни харид қилишлари мумкин.

*Фахр*

## БУНДАЙ НЕЪМАТ ОЛАМДА ЙЎҚ

Шаҳрисабз туманидаги «Наврўз» жамоа хўжалигининг Полмон қишлоғида яшовчи Муҳаммадсодиқ ота ҳақида гап кетса ҳамма уни ҳурмат билан тилга олади. Боиси, кўпни кўрган, бир неча ўн йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб катта тажрибага эга табаррук инсон билан суҳбатлашган ҳар бир киши ундан кўп нарсани ўрганиши мумкин. Отанинг 2 ўғил, 7 қизи, 40 дан ортиқ невара-чеваралари бор.

— Кўп йиллар хўжаликда меҳнат қилдим, - дейди отахон. — Бироқ, рўшноликни мустақилликка эришганимиздан кейин кўрдим. Илгари эртадан кечгача далада бўлиб, ким учун ишлаётганлигимни билмасдим. Энди ўйласам ўшанда ўзлигимизни унутиб юборган эканмиз. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, истиқлол туфайли биз сингари қишлоқ кишилари ҳам фаровон яшай бошлашди. Ўзингизга маълум, авваллари етиштирган маҳсулотимиз вагони билан кимларгадир тортиқ қилинарди. Бундан деҳқон наф кўрмас эди. Энди давр бошқа. Топганимиз ўзимизники. Оила аъзоларим билан ишлаш учун 40 сотих токзорни ижарага олдим. Ўтган йили каттагина даромад кўриб, уй қурдик. Насиб этса бу йилги фойдамиз ҳам чакки бўлмайди.

Муҳаммадсодиқ Иброҳимов бошлиқ оилавий соҳибкорлар жорий йилда 7 тонна маҳсулот топширишни кўзлашган. 74 ёшни қаршилаган ота ҳамон ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

— Мўлжалимиз камида 250 минг сўм соф фойда олиш, - дейди у. — Боғга қарасанг боғ бўлади, деганларидек узумзорни меҳр билан парваришлаб, яхши навлардан экиб ҳосилдорликни ошириш тадбирларини кўраяпмиз. Ниятимиз, мустақил давлатимизда маъмурчилик яратишга ҳисса қўшиш.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**



# САДОҚАТ НАМУНАСИ

***Муҳтарам Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли имом ал-Бухорий, ат-Термизий, соҳибқирон Амир Темур, ал-Хоразмий, Аҳмад-ал-Фарғоний сингари буюк алломаларнинг халқаро миқёсда юбилейлари ўтказилди. Бу йил эса Абу Мансур Мотуридий ва Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳазратларининг 1100 ва 910 йиллик юбилейларини ўтказиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. Риштонда Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудига катта тайёргарлик ишлари бошланди.***

Қисқа муддат ичида туман истироҳат боғидаги эски бинолар бузиб, ўрнига дилкушо хиёбонлар, зиёратгоҳ манзиллар қуриш ишлари бошлаб юборилди. Бу савобли ишларда тумандаги барча ташкилот, муассаса, корхоналар, жамоа ва ширкат хўжаликлари фаол иштирок этаётирлар. Айниқса, туман газлаштириш идораси, «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти, халқ таълими бўлими, Топволдиев номли, «Истиқлол», Ражабов номли жамоа хўжаликларининг қўшаётган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Яқинда туман ҳокими тадбиркорларни Соҳиби-Ҳидоя зиёратгоҳига таклиф қилди, уларни бобомиз юбилейларини ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишлари билан таништирди. Дарҳол ташаббускорлар ҳам пайдо бўлди. Оқ-ер қишлоғидаги «Рангли бўёқ» қўшма корхонаси раҳбари Бакиржон Бўронов юбилей қурилишлари учун 1 миллион сўм миқдорида ёрдам беришга жазм қилганлигини изҳор этди. Авазбой қишлоғилик тадбиркор Каримжон Фозилов эса юбилей қурилишларига зарур бўлган темир буюмларини арзон нархда келтириб беришни зиммасига олди. У ўз ҳисобидан 200 минг сўм пул беришини ҳам айтди. Туман газлаштириш идораси бошлиғи Набижон Омо-




нқулов боғда ўзларига ажратилган ерни ободонлаштириш, шунингдек, бошқа харажатлар учун 100 минг сўм ажратажакларини билдирди. «Салқин ичимликлар», «Мадина», «Мустақиллик», «Порлоқ», «Турон», «Додо Жўра» фирмалари ҳам имкон даражасида савоб ишга ҳисса қўшадиган бўлдилар. Вилоят ва бошқа шаҳарларда турли лавозимларда ишлаётган риштонлик кишилар ҳам четда қолмадилар. Ҳозирги кунда Фарғона «Фурон» бирикмалари заводи директори бўлиб ишлаётган Ғайратжон Зоҳидов, тадбиркор ва олим ўқитувчи Тўлқинжон Зоҳидов, Фарғона шаҳар прокурори ёрдамчиси Яшинжон Ўринбоев, вилоят суд-медицина экспертизаси бошлиғи Ҳасанжон Ҳайдаров ва бошқалар аллома юбилейини нишонлаш учун тайёргарлик ишларида фаол иштирок этишга ва ҳар бирлари махсус ҳисоб рақамига маълум миқдорда пул ўтказиб беришга ваъда беришди.

Бу борада маҳаллаларда ҳам ибратли ишлар қилиняпти. Биргина Топибволдиев маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўхтасин ота Зоҳидов ўз маҳалласининг ҳимматли фуқароларидан 50 минг сўм пул тўплаб, ал-Марғиноний ар-Рошидоний жамғармасига топширди.

Туман кўп тармоқли, саноатлашган масканлардан ҳисобланади. Йигирув-тикув, пахта тозалаш, нефть ва газ ишлаб чиқариш корхоналари бор. Савдо, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, қурилиш, транспорт тармоқларида минглаб одамлар ишлайди. Улар баҳоли қудрат ўз маблағлари билан аллома юбилейига тайёргарлик ишларига фаолроқ қатнашишларига истак билдиришмоқда. Муҳтарам Юртбошимиз Фарғонадаги учрашувларнинг бирида «Бу заминнинг тарихи ҳам, бугуни ҳам фозилу фузалолар, ижодкору санъаткорларга бой» деган эдилар. Бу гап бевосита Риштон туманига ҳам тегишлидир.

**Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.**



Наманган вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳомийлигида «Навбаҳор» ашула ва рақс дастаси қисқа фурсатда эл назарига тушди. Даста яқинда вилоят ҳокимлиги қарори билан «Ўзбекрақс» бирлашмаси тасарруфига ўтказилди.

— Дастамизга моҳир созанда ва хонандалар, истеъдодли раққосалар уюшган, — дейди жамоанинг бадиий раҳбари, бастакор Акбарали Асқаров. — Рустамжон Мамадалиев, Муҳаммаджон Нуриддинов, Робияхон Ҳамидова, Ҳамиджон Маллабоев каби хушовоз қўшиқчилар, Дилфузахон Жўрабоева, Шаҳнозахон Холдорова, Дилдорахон Абдуллаева сингари раққосаларнинг жозибали рақслари, ёқимли куй-қўшиқлари кўпчиликка манзур бўлаётир.

***Суратларда: 1. Ҳамиджон Маллабоев, Рустамжон Мамадалиев. 2. Раққоса Машҳура Мамажонова.***



*Маънавиятимиз хазинасидан*

# ОТАМ АЙТГАН ҲИКМАТЛАР

## ҚЎШНИ ҲАҚИ

Ҳали мактабга қатнамасдим. Отамни чўлдаги янги хўжаликка ишга жўнатишди. Идорага ёнма-ён, атрофи қўрғон қилинган, яйдоқ шудгор четида одамни ҳайрон қиладиган даражада икки тупгина беҳи барқ уриб ўсган ҳовлини бизга беришди. Қизиғи шундаки, ана шу беҳи шохлари бизга туташ, янги ёпилган томи четларидаги қамиш барглари ҳовлига худди узатилган қўлдек осилиб турарди. Онам янги ёпилган нондан икки донасини ўраб қўшнига ташлаб чиқишни тайинлаганида кўзим тушган худди уларникида ҳам деворга ёпишиб беҳи ўсаётгандек туюларкан.

Кун бўйи дала-даштдан, хўжаликнинг чорваси боқилаётган яйловдан келмайдиган, биз ухлаганимиздагина уйга қайтиб то уйғонганимизга қадар эски, юрганида гўёки шағал ағдараётгандек тинмай шарақлайдиган «полоторка»га чиқиб кетадиган отам эрта баҳор кунларида дарвозамиздан кириб келди. Чопқиллаб бориб қучоқладим. Отам тандир ёнида қўлида косов билан куйманаётган онамга қараб деди:

— Беҳининг чиройли гуллаганини кўргин. Демак, шўр ер тупроғини суяркан-да. Биз бўлсак, олмазор боғ қиламиз, деб йигирма гектар ер умрини беҳудага ўтказиб юрибмиз. Аслида беҳи кўчатларини ўтказиш керак экан.

Ўша йиллардаги яна бир воқеа хотирамда муҳрланиб қолган. Куз ўрталарида акам қўшнининикига туташ деворга нарвон қўйиб пишган беҳиларни бирма-бир узаётган эди. Ҳовлимизга қайсидир юмуш билан кириб қолган отам акамни кўрди-ю илдам келиб ёнида тўхтади ва қўлтиғидан ушлаб пастга туширди. Сигир соғиш учун қўлига челак ушлаб ўтиб кетаётган онамга дашном берди:

— Ақлинг борми сени, ҳеч маҳал қўшнининг ҳовлиси тарафдаги шох мевасиниям уздирадими! Ахир у қўшнининг ҳақику! Ҳар куни юз мартадан назари тушган бу меваларга қўшнимизнинг. Ўзинг атай кириб айт, хижолат тортмасдан йиғиштириб олишсин. Сизларнинг тегишларинг экан, дегин!

## ИНСОФ

Отам номозхонликда айбланиб хўжалик раҳбарлигидан кетгач, бир йилдан ортиқ ўзимизнинг томорқамизда ишлади. Энди эсласам, урушдан кейинги ўша йилларда ўлкамиз табиати анчагина соф бўлган экан. Томорқамиз этагидан қаторлашган тутзорлар оралиғидаги ариқ бўйларида муаттар ҳиди узоқдан гуриллайдиган чамандек очилиб ётар, ёмғир сепалаб ўтиши билан қўзиқоринлар бодраб чиқишар, чиройига сўз топилмайдиган капалаклар ғужғон ўйнарди.

Дўппиларимизга териб келган қўзиқоринни опам капкирга қўйиб туз сепарди-да, чўғда жазиллатиб пиширарди.

Отам қаттиқ тер тўкканиданми, кузга бориб қовунларимиз чунонам мўл бўлдики, жўякларда тошдек юмалаб қолишди. Қовунпоя ортидаги картошкани кавлаб олганимизда хирмонга уйилган пахтадек бўй кўрсатди. Кейин отам кўпчилик талаби билан қўшалоқ чинор оралиғидаги чоғроққина дўконга мудир бўлиб ишга тушди. Ёзда эса томорқамиз этагидаги мирзатеракларни кесиб уйимиз орқасидаги яйдоқ майдонга дўкон учун янги иморат қурдик ва отам бу ерда узоқ йиллар, то нафақага чиққанига қадар ишлади.

Каттароқ амалдан қутилган отам энди номозини очиқроқ, бировдан ҳайиқмасдан ўқир, ёши улуғлигини ҳурмат қилиб кўргани келган қариндош-уруғларни ва қўшни қишлоқлардан ташриф буюрган ҳамкасбларини ҳалолликка, тўғри бўлишга чорларди. Бир сафар қўшни Авлиёчек, бошқа гал эса Зулфиқор қишлоқларидан келган дўкончиларни қаттиқ-қаттиқ овозда шундай дея койиётганликларини эшитганман:

— «Дўкон» сўзининг мағзини чақишни биласанми? Қулоғингга яхшилаб қуйиб қўй. Икки карра кон, дегани бўлади. Бир яшик чой сотсанг, остидаги тўкилиб қолгани ҳам каттагина рўзғорга бемалол етади. Бир ўрам матони «газ»га қўйиб сотганингда яна насибангга ярашаси ортади. Сенга тағин нима керак? Харидор тийинидан урармишсан! Ёрлиқни беркитиб устига қўярмишсан! Тарозидаги қилвирликларингни одамлар билмайди, деб ўйлайсанми? Нариги дунёни ҳам кўз олдингга келтирасанми ҳеч?

Инсофни унутган «чаққон»ларни кўрганимда беихтиёр отамнинг сўзлари ёдимга тушади.

**Ж. ОБИДОВ.**

*Касаба уюшма спорти*

## СИРДАРЁЛИКЛАР МАҲОРАТИ

***Республика Мудофаа вазирлиги Спорт марказида «Соғлом авлод йили»га бағишланган агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» деб номланган республика якуний мусобақалари бўлиб ўтди.***

Мусобақаларда вилоят спартакиадаларининг ғолиб жамоалари коптоқ улоқтириш, узунликка сакраш, тўпни сеткага ташлаш ва эстафета баҳсларида куч синашдилар.

Барча беллашувларни кўтаринки руҳда ўтказган сирдарёлик Сулаймоновлар оиласи мусобақа якунида энг кўп очко жамғариб, спартакиада ғолиблигини қўлга киритди. Наманган ҳамда Хоразм вилоятлари вакиллари — Кандаковлар ва Хўжаниёзовлар оилаларига эса кейинги ўринлар насиб этди. Шунингдек, қашқадарёлик ҳамда самарқандлик спортчи оилаларнинг иштироки ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Мусобақа ғолиблари эсдалик совғалари, энг ёш ҳамда энг кекса қатнашчилар махсус совринлар билан тақдирланди.

* * *

«Тошқишлоқмаш» заводи спорт клубида Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлар касаба уюшмалар кенгаши ташаббуси билан 15-16 ёшли ўғил ва қиз болалар ўртасида стол тенниси мусобақалари ўтказилди. Беллашувларда тармоқ касаба уюшмалари аъзоларининг фарзандлари иштирок этдилар.

Қизғин ўтган мусобақаларда ўғил болалар ўртасида Анвар Каримов, қиз болалар ўртасида Катерина Левина ғолибликни қўлга киритдилар. Шунингдек, Виталий Бойжуматов, Константин Тен, Марина Рижикова, Вика Петрушовалар ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

## ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Андижон туманидаги Харабек қишлоғида 20 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг кўпчилиги учун иш билан бандлик жиддий муаммо ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистон мустақиллиги байрами арафасида ўқув-ишлаб чиқариш марказининг очилиши бу муаммони ҳал этишга қаратилган муҳим қадамлардан бўлди. Марказ бир йўла 113 кишини, асосан хотин-қизларни иш билан таъминлайди.

Республика болалар жамғармасиниг вилоят бўлими ва Тошкентдаги ЮНИСЕФ ваколатхонасининг ташаббуси билан ташкил этилган мазкур марказ нон маҳсулотлари, дурадгорлик, тикув ва тўқув маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, бу ерда радиотелеустахона иш бошлайди.

**А.ҚОДИРОВ, ЎзА мухбири.**

## САЛОМАТЛИК МАСКАНЛАРИ

Қарши шаҳрида республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё филиали ишга тушди.

Марказда ўндан зиёд бўлим мавжуд бўлиб, улар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шарт-шароит мавжуд.

Илгари вилоят шикастланганлар шифохонаси бўлган бу бинони қайта таъмирлашда 19-«Қашқадарёдеҳқонқурилиш», «Вилжамхўжқурилиш», «Қашқадарёқурилиш», «Қаршиуйжойсаноатқурилиш» трестларининг бунёдкорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Шошилинч тиббиёт марказининг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Б.Ҳамидов, республика соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров ва жамоатчилик вакиллари сўзга чиқди.

Шу куни Косон туманида ҳам шошилинч тиббий ёрдам маркази иш бошлади.

*Янги ўқув йилига совға*

# ЛИЦЕЙ КОЛЛЕЖГА АЙЛАНДИ

***Қорақалпоғистонда қурилиши бошланган 14 та касб-ҳунар коллежларидан 7 тасини жорий йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шу билан бир қаторда бизнинг касб-ҳунар лицейимиз ҳам коллежга айлантирилди. Унинг биноларини реконструкция қилиш ўтган йили бошланган эди. Қисқа муддатда «Агроқурилиш»га қарашли 313-кўчма механизациялашган жамланманинг махсус бригадалари 250 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди.***

Реконструкция натижасида 450 ўқувчига мўлжалланган ўқув ўрни, 100 талаба учун ётоқхона, лабораториялар, ишлаб чиқариш устахоналари ва бошқа кўплаб фан кабинетлари қурилиб, қайта жиҳозланди. Ўқув-тарбия, услубий ишларда ҳам анча янгиликлар юз берди. Талабаларни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га биноан ўқитиш, касб сирларини чуқур ўргатиш мақсадида умумий фанларга 10 нафар, махсус фанларга ўн икки нафар ўқитувчилар танлов асосида, шунингдек ҳар бир гуруҳга биттадан таълим устаси жалб қилинди. Ҳозирги кунда улар коллежимизнинг энг малакали ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталари Солия Шалабоева, Норхон Абдалов, Сайёра Қулжонова, Зулфия Шунгбоева, Равшанбек Юсупов, Салима Мусаева, Азимбой Сапаров ва Рамонберган Реймбергеновлар билан халқ хўжалиги учун ўрта махсус малакали кадрлар тайёрлашдек муҳим юмушларни адо этишга шай турибдилар. Туман халқ хўжалиги ривожланиши истиқболларини ҳисобга олиб коллежда янгидан 6 та — қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш, фермер хўжалигини ташкил қилиш, ўсимликларни ҳимоя қилиш, экология, боғ-парк қурилиши, балиқчилик мутахассисликлари бўйича ҳам таълим бериш йўлга қўйилмоқда.

Кези келганда айтиш жоизки, коллежнинг моддий техника ва амалий машғулотлар базасини яратиш юзасидан ҳам етарли имкониятларга эгамиз. Ўқув тажриба хўжалигимизни 15 гектардан 35 гектарга етказиш юзасидан амалий ишлар поёнига етказилди. 75 бош қўй-қўзилар парваришини яхшилаб, улар сонини кўпайтириш вазифа қилиб қўйилди. Шунингдек, қуёнчиликни ривожлантириб, парҳез гўшт билан ошхонамизни таъминлаймиз, иккинчидан унинг терисидан болалар учун кийим-бош тикишни йўлга қўямиз. Бунда мавжуд 14 та тикув машиналаридан самарали фойдаланиш мумкин. Булардан ташқари ёғочга ишлов бериш, темирчилик устахоналари, кулолчиликни, кигиз босиш ишларини янада ривожлантириб, моддий техника базамизни мустаҳкамлаш имкониятлари мавжуд.

Меҳнат таълимида амалиёт асосий рол ўйнайди. Бу борада бизга ҳомийлик қилаётган «Элтекс», «Бўстонтранс» ҳиссадорлик жамиятлари амалий кўмак бермоқда. Яъни, талабаларимиз бу корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини аъло даражада ўтамоқда ва бу даврда ишлаб топилган иш ҳақларининг 50 фоизи коллеж махсус ҳисоб рақамига ўтказилмоқда.

Бир нарса — жамиятимизга ҳалол хизмат қиладиган баркамол авлод тарбиялашда бизнинг ҳам баҳоли қудрат ҳиссамиз борлиги кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшмоқда..

**Зарифбой ХЎЖАНИЁЗОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Оқчакўл касб-ҳунар коллежи директори.**



**Биринчи қўнғироқ.**

**Д.АҲМАД олган сурат.**

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.45

Буюртма Г— 824.

1 2 3 4 5 6